

Бухоро вилояти пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига

Азиз дўстлар, биродарлар! Сиз, кадрли Бухоро деҳқонларини, бутун Бухоро аҳлини эришилган юксак меҳнат галабангиз билан - пахта тайёрлаш шартномасини юртимизда биринчилардан бўлиб адо этганингиз билан чин қалбимдан табриклаб, балли, азизларим, деб кутлашга ижозат бергайсиз.

Мамлакатимиз пахтачилиги тарихида мислсиз ютуқ ва марраларга эришганингиз, Бухоронинг мураккаб иқлим ва тупроқ шароитида гектаридан қарийб 30 центнердан ҳосил олиб, 360 минг тонналик хирмон бунёд этганингиз, уни юз фоиз биринчи навларга сифатли топширганингиз, кунлик суръатини 7-8 фоизга ошириб, шунинг ҳисобидан олган мажбуриятингизни 17 иш кунда бажарган билан бажарганингиз, ҳеч шубҳасиз, ҳар қанча таҳсин ва тасанноларга муносиб, десак, айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

Бухоронинг жазирама иссиғи, изги-

рин чўл шомоллари, экин майдонларининг ҳар йили уч маротаба шўрини ювишга тўғри келишини инobatта оладиган бўлсак, вилоят деҳқонларининг ҳар кунги меҳнатини чинакам матонат, изланиш ва омилкорлик намунаси, деб баҳолаша арзийди, албатта.

Сизлар кўлга киритган бу ютуқларнинг замирида, авваламбор, Бухоро аҳлига азадан хос бўлган ҳаётий билим ва тажриба, деҳқонларнинг сермашақат ва оғир меҳнати, миришкорликнинг сир-асрорини пухта эгаллагани, ерга меҳр ва ардоқ билан қараши, у билан тиллашиб яшаш туйғуси, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган самарали ислохотлар, энг муҳими, барчамизни боқадиган ерга эгаллик ҳиссиёти билан муносабатда бўлиш ва фермерлик ҳаракатиға кенг йўл очиб бериш, уни ҳар томонлама рағбатлантириш сингари омиллар мужассам.

Бу мавсумда тайёрланган пахта ҳосилининг 64 фоизи айнан фермер хўжаликлари томонидан ётказиб берилгани бунинг яқоқл тасдиғидир.

Айниқса, вилоятнинг пахта хирмониға хар бири 35-41 минг тоннадан зиёд салмоқли улуш қўшган Вобкент, Ромитан, Шофиркон каби туманлар пахтакорларининг азму шижоати таҳсинға сазовордир.

Сизлар далада хали мўл бўлган ҳосилни йиғиб-териб олишда ва бу йилги мавсумни барча тармоқларда муносиб якунлашда ҳам мана шундай шижоат ва қатъият кўрсатасиз, деб ишонаман.

Ишларингизға омад, оилаларингизға кўт-баракат, бахт-саодат тилайман.

Хорманг, кўлингиз дард кўрмасин, азизларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

БУХОРО:

Йилга татигулик кун

Дунёда байрамлар кўп. Тақвимдан жой олган байрамлар ҳам оз эмас. Деҳқон ҳар йил машаққатли меҳнат эвазига ана шундай байрамлардан бириға замин ҳозирлайди.

Пахта тайёрлаш шартнома режаси бажарилган кун - байрам. Ҳеч қерда қайд этилмаган ва бунинг имкони ҳам бўлмаган бундай кун йилға

ИФТИХОР

татийди, бизу сизға, элга, она - Ватанға татийди. Бу кун юз ёруғ, ризқ бутун бўладиган кун. Бухоро вилояти пахтакорларига ана шундай кун насиб этди. Бухоролик деҳқонлар 360 минг тоннадан зиёд пахта тайёрлаб, давлат шартномавий режасини 30 сентябрда бажардилар.

Муваффақиятнинг аҳамиятли томони шундаки, бу мақсадға эришиш учун атиги 17 йиғим кунни қийоғ қилди.

(Давоми 2-бетда)



Ишлайман деганга имконият кўп

Денов тумани марказидан қаҳрамонимизни излаб "Бахриддин Фермер хўжалиғи"ға келдик. Йўлақарға экилган ранго ранг гуллар кўзини қувнатлади.

Гўё беҳисоб рангли капалаклар қанотларини ёйиб, базму жамшидға тўплангандек. Фермерни шу ерда учратдик. Намизда гул-ёндоздай ойнаган. Баҳ-эса таби-атнинг бу мўъжизасига уйғун ҳолатда чеҳраси ёришиб бизни кутти олди. Бирпасда чарчоғу хорғинлиғимиздан асар қолмади. Бу турфа чаманзордан юракларимиз энтиқиб кетди.

Узини Баҳром деб таништирган навқирон, алпомииш келбатли чорвадорнинг нозикгўнгиллиғи, гўзаллиқни севиши у экан гулларидан намоён эди. Уни суҳбатға тор-тар эканмиз, беихтиёр илк саволимиз ҳам гуллар ҳақида бўлди.

(Давоми 3-бетда)

ЗАМОНДОШ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

ХАЛҚ БАНКИ
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

ҚАРОР ВА ИЖРО

Уғилнинг бу сўроғиға ота жавоб беролмай маъ-юс ерга қарайди. Нима ҳам десин. Эртаға, индинға, душанба кунни каби жавоблар энди тош босмай қолган. Фарзанд ҳам ақин орада отасининг маош олиб келганини эслолмайди.

Ота мулзам. Бошлиқ ҳузуриға кирса, у:

Аслида, бажарилган иш учун маош ҳисобланса-ю, вақтида пул билан таъминланмаса, бунинг учун қорхона раҳбарлари айбдор. Ахир маошини ўз вақтида бера олмаслик меҳнат қонунариға зид хатти-ҳаракат ҳисобланади.

- Меҳнат қонунариға ҳамма жойда ҳам тўлақонли амал қилинапти, деб

Дада, қачон маош оласиз?

- Мен нима қилай, банк пул бермаса! - дейди.

Бундай суҳбатлар қулоғимизға гоҳида чалиниб туради. Айрим кишилар нақд пулнинг танқислиғи тўғрисида банк маблағи билан таъминлай олмаётгани ҳақида гапиршишади. Баъзи одамлар эса бозор иқтисодий талабига мос тарзда иш юрита олмаётган қорхоналарнинг ноқорлиғини сабаб қилиб кўрсатадилар.

бўлмайдими, - дейди Қарши шаҳри ва тумани ҳокимлиғи Меҳнат бўлими Давлат меҳнат ҳуқуқи инспектори Мансур Музаффаров. - Мавзуга биргина мисол қилиб шунга айтиш жоизки, ўтган ярим йилда шаҳардаги бир қатор йирик қорхона ва ташкилотларда иш ҳақидан қарздорликнинг ортгани кузатилди.

(Давоми 2-бетда)

Куннинг муҳим воқеалари

- Уқитувчилар ва мураббийлар кунни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти шу соҳа ходимларига табрик йўллади.
- 30 сентябр кунни пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида уқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.
- Пойтахтимизда «Тошкент опен» аънавий хотин-қизлар халқаро теннис турнири бошланди.
- Бухоро туманидаги «Галасий» узумчилик хўжалиғида низоом жамғармаси 600 минг АҚШ долларига тенг бўлган «Галаривер» Ўзбекистон Қозоғистон қўшма қорхонаси иш бошлади.
- «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайри жағғармаси ва Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил этилган «Саломатлик поезде» Оролбўйига етиб келди.
- Республика рассомлик коллежида Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Словакия Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлиғида мусавир Мартин Келленбергер асарлари кўргазмаси очилди.
- Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида халқаро кўргазма - учинчи Тошкент замонавий санъат биенналесини очилди.
- Фарғона шаҳридаги «Истиклол» теннис мажмуасида ўсмирлар ўртасида бешинчи халқаро «Fergana Cup» турнири якунланди.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси депутатлик гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.
- Пойтахтдаги «Ўзэкспомарказ» да Auto Motor Show Uzbekistan 2005 2-халқаро автомобиль кўргазмаси очилди.
- «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайри жағғармаси ташаббуси билан ташкил этилган «Саломатлик поезде» бир ҳафта давомида Навоий вилоятининг чўл ҳудудларида бўлди.

Ислом Каримовнинг Малайзияға давлат ташрифи

КУАЛА-ЛУМПУР, 3 октябр. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2 октябрдан Малайзияға давлат ташрифи бошланди.

Бугун Малайзия пойтахтидаги Парламент майдонида давлатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шароғиға фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Малайзия Кироси Туанку Саййид Сирожуддин Жамалуллаҳ шохсупаға кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Малайзиянинг давлат мадҳиялари янгради. Президент Ислом Каримов фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

Ўзбекистон раҳбарининг Малайзия Кироси билан суҳбати бўлди. Зоти олийлари билан мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Икки томонлама алоқаларни сифат жиҳатдан янги поғонаға кўтариш билан боғлиқ ҳамда халқаро аҳамиятга молик қатор масалаларда Ўзбекистон ва Малайзиянинг қарашлари ўхшаш ва яқин эканлиғи қайд этилди.

Ислом Каримов 2 октябр кунни Куала-Лумпурға жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида журналистлар билан суҳбатда Малайзия билан ҳамкорлик Ўзбекистон манфаатлари учун муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади. Маъзур мамлакат минтақадан ўзининг муносиб ўрни ва нуфузига эга. Малайзия

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмасини (АСЕАН) ташкил этишда асосий ташаббускорлардан бўлган. Айни пайтда у уюшма раиси.

Президент Ислом Каримов Малайзия Бош вазир Абдулла Бадавий билан учрашди. Тор доирада кенгаш ушбу суҳбатда томонлар Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги иқтисодий-саноат, илмий-маданий ҳамкорлик изчил ривожлантириш, айни пайтда савдо-иқтисодий алоқаларнинг бугунги ҳолати икки мамлакатни ҳам қониқтирмаслиғини таъкидладилар. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон ва Малайзиянинг иқтисодий салоҳиятини тўлароқ ишға солиш имкониятлари кўриб чиқилди.

Ислом Каримов ва Абдулла Бадавийнинг Ўзбекистон ва Малайзия расмий делегациялари иштирокида ўтган кенгайтирилган тартибдаги музокарасида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга оид масалаларнинг амалий муҳокамаси бўлди. Савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш учун қўшма қорхоналарни қўлайтириш зарурлиғи таъкидланди. Икки мамлакат иш одамларининг банк, транспорт, сайёҳлик, ахборот технологиялари, машиий электроника, самолётсозлик, мебелсозлик, нефт-газ, кимё, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиғи каби соҳалардаги бевосита ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чоралари юзасидан фикр алмашилди.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси ва Малайзия ўртасида ҳукуматлараро қўшма баёнот қабул қилинди. Шунингдек, Ҳаво қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро

битим, Савдо бўйича қўшма кўмита тўғрисидаги, Сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги, Минерал ресурсларни ўзлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро ахлалашуво меморандумлари, Алоқа ва ахборотлаштириш технологиялари соҳасиға оид ҳукуматлараро ахлалашуво протоколи, Хавфсизлиқни таъминлаш ва террорчиликка қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисида ахлалашуво меморандуми имзоланди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Малайзия ташқи ишлар вазир Саййид Хамид Албар билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон-Малайзия муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлариға, халқаро ва минтақавий муаммоларға оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислом Каримов «Петронас» корпорацияси раҳбарияти билан ҳам учрашув ўтказди. Мулоқот чоғида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан ушбу корпорация ўртасидаги алоқаларға доир масалалар муҳокама этилди. Учрашув якунида «Ўзбекнефтгаз» билан «Петронас» ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ҳамда Нефт-газ захираларини биргаликда ўзлаштиришга оид битим имзоланди.

Шу кунни Савдо бўйича Ўзбекистон-Малайзия қўшма кўмитасининг илқ мажлиси ҳамда икки мамлакат ишбилармон дорларари вакилларининг бизнес-семинари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Малайзияға давлат ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА)

Пахта толасига қизиқиш катта

Авал хабар қилингандек, жорий йилнинг 9 - 11 октябр кунлари Тошкентда биринчи Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ўтказилади. Унда харидорларнинг фаол иштироки кўтилмоқда.

Барча тайёргарлик ишлари шунга йўналтирилган, - деди «Uzinterimpex» Давлат акциядорлик ташқи савдо компанияси раисининг ўринбосари Аваз Мирсаломов. - Компания шериклари ярмаркани ўтказиш тартиби билан қизиқилмоқда. Айниқса, экспортчи ва импортчилар билан ҳамкорлик қўллашларини янада кенгайтиришға қўмақлашувчи, хом-ашё бозорининг барчаға бирдек очиқлиғини намоён этишчи республикада илқ бора қўлланилаётган тартиб-қоида масаласи уларнинг диққат марказида турибди.

Ярмарканинг асосий мақсади ким ошди савдолари иштирокчилари кўламини кенгайтириш, пахта толаси етиштириб бериш юзасидан шартномалар тузиш, узоқ мuddатли муносабатларни ривожлантиришға қаратилган, - деди А.Мирсаломов. - Ўзбек пахтаси истеъмолчилари пахта етиштириш, савдо ва уни мижозға етказиб бериш транспортлари хусусида мукамил маълумот олиш имкониятиға эга бўлишди. Ярмарканинг илқ ошди савдоларида республикаимизда етиштирилган бешорт ва синфға таъсиф этилган қўшма маъмурият хом-ашёнинг йирик тўпланмалари қўйилди. Бундан ташқари, ярмарка иштирокчилари Ўзбекистон экспортчилари билан келаси йил пахта ҳосили ҳисобидан истиқболли шартномалар тузишлари мумкин. Сотилаётган турар намуналари билан нафақат унинг савдоси билан шуғулланувчилар, балки, пахта хом ашёсини ўз эҳтиёжи учун сотиб олаётган қорхоналар ҳам яқиндан танишишлари мумкин.

(Давоми 3-бетда)



Хирмомимиз 3 миллион тоннадан ошди!

Республикаимизда пахта йиғим-теримида салмоқли натижаларға эришилмоқда. Йиллик шартномавий режасини бажарётган туманлар сафи кун сайин кенгайиб бораётир. Чунки терим суръати ҳамор юқори.

Республика бўйича кунини шартномадаги ҳосилнинг 2,6 фоизи миқдоридан зиёд хомашё йиғиб-териб олинмоқда. Яли ҳосил салмоғи эса 3 миллион тоннадан ошиб кетди. Демак, вазифанинг 83 фоизини адо эттишти.

Олинган кундалик маълумотнинг бошида шартномавий режа-Республикаси ва Бухоро вилояти миришкорлари боришмоқда. Қолган вилоятлар ичиде пешкамлик хоразмликлар қўлида. Улар айни кунчаға жами 255 минг тоннадан ортқ «оқ олтин» ҳозирлаб, шартномавий режанинг 92,9 фоизини ўринлатишди. Жиззахликларнинг ҳам шашлари зўр. Улар уйған «оқ олтин» хирмони 203 минг тоннадан ошиб кетди. Бу шартномавий режанинг 86,7 фоизи уудаланди, дегани. Кейинги ўринларда Қашқадарё, Андижон, Навоий, Фарғона вилоятлари пахтакорлари боришмоқда.

МАВСУМ

ларда келтирилишича, қорвонни бажарган Қорақалпоғистон Қолган вилоятлар ичиде пешкамлик хоразмликлар қўлида. Улар айни кунчаға жами 255 минг тоннадан ортқ «оқ олтин» ҳозирлаб, шартномавий режанинг 92,9 фоизини ўринлатишди. Жиззахликларнинг ҳам шашлари зўр. Улар уйған «оқ олтин» хирмони 203 минг тоннадан ошиб кетди. Бу шартномавий режанинг 86,7 фоизи уудаланди, дегани. Кейинги ўринларда Қашқадарё, Андижон, Навоий, Фарғона вилоятлари пахтакорлари боришмоқда.

Ерни насибасидан қисманг

Қувноқ болалиғим кечган қишлоқда каттагина боғимиз бўларди. Шу яқин орада кўп шухрат қонганди. «Жума бобонинг узуми ёки майизи» деса, Хатирчининг бозориде таллашиб-тортишиб сотиб олишарди. Баҳорнинг бошларида тоқнинг новдаси хали сув тортиб-тортмай ҳовлидан боққа кўчиб чиқардик. Биз бир этак невараларнинг қий-қувидан боғ шовқинға тўлар эди.

Бобонинг қизик бир одати бор эди. У киши кўча-кўйда ким билан гурунлашса, гап орасида ўзининг 120 бош қўйи борлиғини айтиб ўтарди. Унинг шунча қўйи борлиғини эшитиб кўпчилик «ух-ух» деб юборарди. Қўйларни қандай боқши, ем-хашакни қай йўсинда топишни сўраганларни тўғри ариқларининг чуқурлиғи кўкрақдан келадиган, ҳафсала билан чопилиб, ўт кўринмайди-лаб борарди. Ҳар бир боши барқашдай бўлиб ётган узумларни кўриб ҳаваси келган меҳмон уни мақтай-мақтай яна қўйларни сўради.

- Эй, биродар, мана шу 120 туп тоқнинг ҳар биридан бир қордан майиз оламан. 120 та қўйим бор деганимда тоқларим назарда туттадиган, - дерди бобом. Ҳамроҳининг хайратдан оғзи ланг очилиб қоларди.

Бобом ҳар биримизға иккита-учтадан тоқни бириктириб қўярди. Энди то кеч кузнинг қизил «чувиғича», ҳосил йиғиштириб олинунга қадар узумзорнинг парвариши бизнинг зиммамизда бўларди. Ҳар ким ўз тоқи атрофида қўймаларнардими. Биз бу омушларни уудасидан чиқишға ўзимизда кўнума ҳосил қилиб улгурган эдик. Бу орада неча-неча фасллар алмашди. Қанчадан-қанча дарахтлар кесилиб кетди. Бирок, тоқзор ҳамон яшнаб турибди.

(Давоми 3-бетда)

5 ОКТАБР — ХАЛҚАРО ШИФОҚОРЛАР КУНИ

Мухбиримиз Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўйича бош мутахассиси, Педиатрия илмий-тадқиқот институти ижтимоий педиатрия бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Учқун Каримов билан болалар саломатлиғи мавзусида суҳбатда бўлди.

бўлган болалар сони 4 миллион атрофида. 6 йилли болаларни мактабға тайёрлаш, тиббий, психологик-педагогик қўридан ўтказиш натижаги уларнинг 24,1 фоизи мутлоқ соғлом ва тўлиқ ўқишға яроқли эканлиғини кўрсатади. Бу кўрсаткич 1998 йилда 15 фоизға тенг эди. Соғломлик даражаси ҳар йили 2-3 фоизға ортмоқда. Бирок, айрим вилоятларда у олдинги йилға нисбатан пасайган

«Соғлигинг яхшими, болажон?»

-Бола саломатлиғи - келгуси насллар, миллат соғомлиғи демакдир. Шундай экан, бу умумий миллий миссияда қанчалик аҳамиятға эга эканлиғини тасаввур қилиш қийин эмас. Ҳозирда болалиқнинг таъминоти бўлган болалар саломатлигининг умумий ҳолати ҳақида сўзлаб берсангиз.

-Бугунги кунда мамлакат бўйича 6 ёшдан 12 ёшча

холлари ҳам йўқ эмас. Мактабларда ўтказилади-ган ҳар йилги тиббий қўриқлар болангизнинг сифат ўқувларининг 20,8 фоизи тўла соғлом, 49 фоизи турли касалликларға мойил, 30,2 фоизида сурункали касалликлар мавжудлиғини кўрсатади. Бунинг сабаблари хилма-хил, объектив ҳамда субъектив хилҳатлари бор.

(Давоми 4-бетда)

Янгибозорликлар ибрат

...Бундан уч йил муқаддам вилоятда биринчи бўлиб ёппагина фермер хўжаликларига айланган Янгибозор тумани миришкорлари янги чакма шакли афзалликларини амалда намойиш қилдилар. Қуни кеча улар 9692 гектар майдон ҳисобидан 26910 тоннадан зиёд пахта йиғиб-териб олиб, йиллик шартномавий режани ошириб бажардилар.



Шундай қизин дамларда Юртбошимизни кишилар соғлиғини ўйлаб, шифо мақсадида бўлиши ва ўзининг қимматли маслаҳатларини берганили биз пахтакорларга куч-қувват бағишлагандай бўлди, - дейди "Собир Улуғбек" фермер хўжалиги раҳбари Аҳмад ота Одилов. - 24 гектар майдон ҳисобидан шу кунгача 80 тоннадан ортиқ пахта топширган бўлсак, бу кўрсаткичнинг мавсум охиригача 150 тоннага етказишга қарор қилдик.

Бундан ташқари, пахта йиғиб-териб олишда янада унум билан меҳнат қилишига имкон яратди. Чигит экиш белгиланган график асосида ўн икки кун ичида тугалланди. Уруғ вақтида униб, агротехник тадбирлар оби-тобиди олиб

деярли барчаси биринчи навга сотилди. Ҳозирнинг ўзида пахтачиликдан 8 миллиард сўм даромад қилинди. Шунинг 1 миллиард 879 миллион сўми соф фойдадир. Терим даврида 995 миллион 670 минг сўм нақд пул теримчиларга тарқатилди. Далада ҳосил ҳали мўл. Яна 5000 тонна хомашё йиғиштириб олишни мўлжаллаб турибмиз. Ана шунда рентабеллик 30 фоизга етди.

Бузақья МТП таркибидидаги ер эгалари туманида эмас, вилоятдаги йирик хўжаликлар ичида биринчи бўлиб маррага етдилар. 1200 гектар пахта майдони 58 та фермерга бўлиб берилган. 2930 тонналик шартномавий режани удаллаган заминдорлар яна давлатга 700 тонна хомашё етказиб бериш учун сўратни бушатира-маяптилар.

Ютуқларимиз омили ҳам жиҳатликда, - дейди Отаназар Абдумов. - 13 йилдан бунён шу жамоага бошман. МТПимизда 74 та трактор бўлиб, ҳаммаси хизматга шай турибди. Утган йили 80 миллион сўмлик хизмат кўрсатилиб, 14 миллион сўм соф фойда кўрилди. Фермерларимиз "Хоразм-127" навини экиб, асосан уруғлик пахта етиштириди.

Янгибозор пахта тазалаш акциядорлик жамияти бош муҳандиси Раҳматилло Бобононовнинг сўзларига қараганда, янги ҳосилдан 1300 тоннадан зиёд сифатли тола тайёрланди. Тола чиқими салкам 34 фоизни ташкил қилмоқда.

Айни кунларда илк зафардан кўнгли чоғ янгибозорлик пахтакорлари, уни қайта ишловчилар иш сўратини пасайтирмасдан хизмат қилиш-япти.

Холмурод ҚУРБОНОВ

Йилга татиғулик кун

(Боши 1-бетда)

Гектарлар ҳосилдорлиги ўртача 30 центнердан ошди. Рентабеллик 31 фоизни ташкил этди. Пахтачиликдан 125 миллиард сўм миқдорда дарамад қилинди. Бу ўтган йилдадан 20 фоизга кўп. Янги ҳосилнинг 65 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келяпти.

Вилоятнинг Вобекан, Ромитан, Шофиркон, Пешку, Қорақул, Бухоро, Қогон туманларида гектарлар ҳосилдорлиги ҳозирдаёқ ўртача 32-35 центнердан ошди. Ромитан туманидаги "Зафар Шамс", Қорақул туманидаги "Саттор Жума", Қогон туманидаги "Розия Бекова", Қорақул туманидаги "Алишер Ситора" фермер хўжаликларини, Шофиркон туманидаги "Ўзбекистон", Бобур номи, Вобекан туманидаги Х.Қамол номи, "Зарафшон", Пешку туманидаги "Маданият", Ибн Сино номи, Бухоро туманидаги "Маданият", "Урта Осий", Олоғтада "Ўзбекистон", Жондордаги "Истиқлол", М.Торобий номи, Қогон туманидаги Баҳауддин Нақшбанд номи ширкат хўжаликларини қўнган ҳисса аниқ-са салмоқли бўлди.

Шу ўринда бухоролик пахтакорлар аришган муваффақиятлар сирини нимада, деган савол тўғрисида. Келинг, шулар ҳақида тўхталайлик.

Экишда ҳам экиш бор

Авалги йилларда чигит экиш турли сабаблар боис чўзилиб кетарди. Вақт кўп сарф-



ланларди-ю иш сифати паст, ҳарajat катта бўларди. Масалан, 2003 йилда чигит экиш 13 мартда бошланиб 63 кун давом этган. Бир гектар ерга 90 килограмм чигит сарфланган. Ёниги-мойлаш материаллари сарфи 103 килоши ташкил этган. Бу йил эса чигит экиш унум атиги 14 кун сарфланди. Хар гектар ерга 49,9 килограммдан чигит, 70,7 килограмм дизель ёнигили сарф қилинди.

Сирасини айтганда, замонавий ишлаш принциплари асосланган хорж экишчилари жуда кўп келди. Айниқса, "Кейс-1200" русумли экишчи деҳқонларга маълум тушди. Унинг бир суткалик иш унуми 65 гектар бўлиб, хар гектар ерга чигит сарфи 15 килоши ташкил этади. Оқдид экишчида эса суткалик иш унуми атиги 8 гектардир. Бу остизга у бир гектар майдонга 80 килограмм чигит сарфлайди. Оқибатда гўзани агналлашга эҳтиёж туғилади. Сарф-ҳарajat кўпаяди. Мутахассислар масаланинг бу жиҳатини ҳам ҳисоблаб чиқишди. "Кейс-1200"дан фойдаланганда биргина чигитнинг ўзидан гектарига 65 килограмм тежаб

суғоришнинг нафи катта, - дея мулоҳаза юритади гиждуюнлик кекса пахтакор, Ўзбекистон Қарамони Х.Облоқулов. - Гармсел пайтида экинни шу усулда суғориб, ҳосил нишонларини сақлаб қолиш мумкин.

Дарвоқе, экинни суғориш ҳақида. Бухоро шартотида гўзани биринчи суғоришни экинда биринчи гул пайдо бўлиши олдида бошлаш жуда муҳимлиги аниқланди.

Шундай қилинса, гўзанинг илдиз тизмини ривож қилдириш, табиий оғатларга чидам-лиги ошар экан. Дейлик, гўзани биринчи суғориш 2003 йилда 15 июнда, 2004 йилда 2 июнда, бу йил эса 7 июнда бошланди. Минерал ва маҳаллий ўғитдан оқилна фойдаланиш, гўзани чилдириш ўз вақтида ўтказиш мўл ҳосил етиштириш омили бўлди.

Бухоро шартотида гўза баргани суний тўқтириш нечоғли катта аҳамиятга эгалиги яққол кўзга ташланди. 90 минг ўрнига 115 минг гектарга яқин майдонда гўза дефляцияли қилинди. Бу жами майдонларнинг 89,3 фоизиди гўза баргани суний тўқтирилганини аниқлади. Натижда хомашёнинг 100 фоизини биринчи навга топшириш имкони юзга келди.

Бухоро шартотида гўза баргани суний тўқтириш нечоғли катта аҳамиятга эгалиги яққол кўзга ташланди. 90 минг ўрнига 115 минг гектарга яқин майдонда гўза дефляцияли қилинди. Бу жами майдонларнинг 89,3 фоизиди гўза баргани суний тўқтирилганини аниқлади. Натижда хомашёнинг 100 фоизини биринчи навга топшириш имкони юзга келди.

Ўзини оқлаётган тактика

"Бизда 2001 йилдан бошлаб пахтанинг 70-75 фоизи очилгандан кейин теримга тушиш механизми қўлланила бошланди, - дейди М.Нўмонов. - Бу терим кунларини қисқариштириб, пахтани сотишда юқори сортлар салмоғининг ошишига олиб келди.

Шу ўринда қиёслаш учун мисол. 1997 йилда хомашёнинг 59 фоизи биринчи навга қабул қилинган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 93 фоизни ташкил этди. Жорий йилда эса шартнома режасидаги ҳосилнинг ҳаммаси биринчи навга қабул қилинди. Агар 1997 йилда пахта йиғим-терими 73 кун давом этган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 24 кунга қисқарди. Бу йил эса даладаги бор ҳосилни 30 кунда йиғиштириб олиш мўлжалланган. Яна бир диққатга молик факт. Жорий йилда дастлабки таҳлилларга кўра, йиғим-терим даврини 2003 йилдаги нисбатан қисқартириш ҳисобидан 857 миллион сўмга яқин маблағ иқтисод қилиб қолинди.

Шу ўринда "Бухоро-6", "Бухоро-8", "Бухоро-102" гўза навларининг аниқ санаотбop эканлигини ҳам охида таъкидлаш лозим. Бухоро пахтасининг жазон бозорида қадри бўлакча экани кўнгилда фахр туйғусини уйғотади.

Биз муколамиз бошида деҳқон учун режа адо этилган кун байрам, деб таъкидлаган эдик. Дарҳақиқат шундай. Байрамлар боис қўнғилар чигили ёзилди. Байрамлар боис қўнғилар ёмиридан сўнг унган майсалар деярли юракларда янги умид, ишонч туғилади. Умидга, ишончга доя бўлганлик, йилга татиғулик шундай байрамлар қўнғиларини.

Бухоронинг мураккаб табиий иқлим шартотида пахта етиштиришнинг ўзи бўлмайди. Мана, гармселнинг олинги. Бу оғат юзинг-кўзинг деб турмайди.

"Ғузани шарбат" усулида

Абдураззоқ ҚАРИМОВ, Истам ИБРОҲИМОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбирлари, Зебиносо ҚУРБОНОВА олган суратлар.



"Жиззах ун заводи" хусусий корхонаси мустақиллигимизнинг 14 йиллик шодёнаси арафасида ишга тушди. Мазкур корхона суткасига 60 тонна донни қайта ишлаш қувватига эга. Мухими, завод технологияси Туркиядан келтирилган бўлиб, замон талабларига тўлиқ жавоб беради. Корхона иш бошлагач, 30 нафар маҳаллий аҳоли доимий иш билан таъминланди.

СУРАТДА: оператор Акбар Эргашев. Б.АКРАМОВ олган сурат.

Дада, қачон маош оласиз?

(Боши 1-бетда)

Жумладан, шаҳар ҳокимлиги меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими томонидан назорат органи фаолиятини мувофиқлаштириш Республика Кенгаши тасдиқлаган режа-жадвалига асосан 3 та корхона - "Қашқадарё-гўштсустанаот" ишлаб чиқариш компанияси, "Қашқадарё технология транспорт" очик акциядорлик жамияти ҳамда йўллардан фойдаланиш бошқармасида ўтказилган текширишларда иш ҳақидан 128660,8 сўм муддатга ўтган қарздорлик мавжудлиги аниқланди. Тўғри, 3 та корхонанинг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий иш қўзғатилиб, 62680 сўмдан жарима солинди. Худди шундай Қарши шаҳар прокуратураси ва Қарши шаҳар Давлат солиқ инспекцияси орқали иш ҳақидан қарздорликка йўл қўйган 10 дан зиёд корхоналарнинг мансабдор шахсларига ҳам қонунда белгиланган тартибда жарима солинди.

Гап мансабдор шахсларнинг ҳақ-ноҳақлигидан қатъи назар, уларга чора кўриш ёки жарима солиш ҳақида кетаётгани йўқ. Аксинча, рўзгорига наф келтириш мақсадида янши ишлаб, кўпроқ пул топишга интилаётган ишчи-хизматчилар ҳуқуқи бузилаётгани ачинарли ҳол эканлигини айтмоқчи эдик.

публикаси МКнинг 154-161-моддалари талаби кўпол равишда бузилиб, иш ҳақидан кўп миқдорда қарздорлик юзга келгани аниқланди.

Хуқуқни муҳофаза этувчи органлар бу қонунбузарликни аниқлаб, айбдорларни маъмурий жазога тортиди. Бу билан улар зиммаларидаги вазифани бажардилар. Жавобгарлар ҳам жаримани ўз вақтида тўлашди. Лекин нима ўзгарди? Ишчи-хизматчиларнинг қарзлари тўла-тўксис ундириб берилдики? Бу ҳақда ижобий фикр айтишдан йирокмиз.

Яна бир муаммо. Ширкат мансабдор шахсларининг ҳақ-ноҳақлигидан қатъи назар, уларга чора кўриш ёки жарима солиш ҳақида кетаётгани йўқ. Аксинча, рўзгорига наф келтириш мақсадида янши ишлаб, кўпроқ пул топишга интилаётган ишчи-хизматчилар ҳуқуқи бузилаётгани ачинарли ҳол эканлигини айтмоқчи эдик.

хўжаликларда, айрим корхона ва ташкилотларда иш ҳақи ўрнига пахта ёғи, ун, бугдой, гуруч ҳамда бошқа маҳсулотлар бериш одат тусига кирди. Ҳатто уйда (иш ҳақи ҳисобига олинган) тонналаб пахта ёғи сақлаётган кишилар бор. Улар ёғни сотиб, пулга айлантиришади. Ана, энди ўзингиз ўйлаб кўринг. Бу билан ўзимиз нақд пулниг банддан ташқарида айланшига имкон яратиб бераёмиз-ку. Энди хўжаликларда ишчиларга иш ҳақи ўрнига берилётган маҳсулот суммаси (унинг миқдори жуда ҳам катта) кўрсатилиб, шунча иш ҳақи берилди, қабилида юқорига маълумот тақдим этилади. Ахир шунча маҳсулот пул шаклида банк орқали айлангани йўқ-ку.

Умуман, каттами, кичикми, меҳнат қонунларининг бузилишига йўл қўйиб бўлмайди. Айниқса, ташкилот ёки корхона раҳбари зиммасидаги мажбурият - иш ҳақини белгиланган муддатда тўлашишига эришиш жуда муҳимдир.

Фахриддин БОЗОРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

ЖАРАЁН

Тайёрлов корхоналари томонидан уруғ белгиланган вақтда дала бошига келтирилди. Ёқилги, минерал ўғитлар таъминотида зулишлар бўлмади. Натихада эртаги ва сифатли ҳосил етиштирилиб, режадаги хомашёнинг

ХУШҲАБАР

Довон ошилди

Сариосий тумани деҳқонлари йиллик пахта тайёрлаш режасини удалашди.

Сариосий тумани кўп йиллардан бери вилоятда давлат пахта ва галла сотиш режасини биринчилардан бўлиб ўринлатиб келмоқда. Улар бу йил ҳам анъанани содиқ қолдилар. Туман деҳқонлари 5995 гектар ерда пахта етиштирилди. Туман давлат қабул пунктларига эса 17000 тоннадан ортиқ юқори сифатли пахта топширилди.

Барча ширкат хўжаликлари йиллик пахта тайёрлаш режасини ошириш билан удалади. "Қулписта", "Уста Эшман", "Хасанобод" ва "Маматқулбобо" фермер хўжаликлари эса шартномани 115-130 фоизга ўринлатдилар.

Қумқўрғон тумани пахтакорлари 27000 тонна юқори сифатли хомашё тайёрлаб, илкларидидаги вазифани адо этдилар. Улар хар гектар ердан 28 центнердан ошириб ҳосил олдилар. Айниқса, "Беш қаҳрамон" ширкат хўжалиги пахтакорларининг меҳнат муваффақияти ҳаммани хурсанд этди. Файзи Маматмуродов етакчилигидаги мазкур хўжалик 1270 гектар чигит қадаган эди. Улар бугунгача 3600 тонналик хирмон уйдилар. Йиллик шартнома салкам 108 фоизга бажарилди.

Туман пахтакорлари яна 3000 тонна пахта тайёрлаб, ялпи хирмонни 30000 тоннага етказиш ниятида. Йиллик режани бажарган туманлар сафи кун сайин кенгаймоқда.

Менгнор ОЛЛОМУРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Водийда биринчи

Олтинқўл тумани деҳқонлари пахта тайёрлаш шартнома режасини 2 октябрь кунинки Андижонда, водийда биринчи бўлиб бажардилар. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 32,1 центнерга етказилиб, 21161 тонна пахта биринчи нав билан топширилди. Сифат ва миқдор бирлиги таъминланганлиги боис тармоқдан 7 миллиард сўм даромад олинди.

Теримчиларга 740 миллион сўм иш ҳақи берилди. Ўйлаб, юзлаб оилаларга 20 иш кунига 250-300 минг сўмгача пул кирди.

"Андижон" ширкат хўжалиги пахтакорлари "Бухоро-102" навини парвариш қилиб ҳосилдорлиқни 40 центнерданга етказишди. "Намуна", "Мадырбод", "Машъал", "Оқтепа", "Иттифоқ" ва М.Ризаев номи ширкат хўжаликларида ҳам кўтаринкилик хар йилгидан кўра баланд.

Олтинқўлликлар шартнома режасини 120 фоизга адо этишга қарор қилишди. Ана шунда қўшимча пахта миқдори 4232 тоннани ташкил этади ва ҳосилдорлик 38,6 центнер бўлади.

Кобилжон АСҚАРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Пайариқ маррада

Кўп йиллардан бунён танқидга нишон бўлиб қолган, қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида қолоқлик ҳукми сурган Пайариқда кейинги икки-уч йил ичида аҳвол тубдан яхшиланди. Бунга мулкчилик шаклининг ўзгарганлиги, ер ўз эгасига берилганлиги, барча жамоа ва ширкат хўжаликлари тугатилиб, фермер хўжаликлари ташкил этилганлиги сабаб бўлди.

Айниқса, туман пахтакорларининг бу йилги шашти ўзгача. Самарқанд вилоятида биринчи бўлиб зафар маррасига пайариқликлар етиб келишди. Давлат қабул манзилгоҳларига 34192 тонна "оқ олтин" етказиб берилди. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми юқори навга сотилди.

Фермерлик усулида иш юритилганимиз боис, деҳқонларнинг манфаатдорлиги ошди. Шу тўғрисида ерга меҳр қўйиб ишловчилар кўнайди. Ютуқларнинг бош омили шунда, - дейди туман ҳокими Шоҳмардон Фуломов. - Ҳали далаларида мизда ҳосил мўл. Далаларда қолган пахтани ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан, нест-нобуд қилмасдан териб оламиз.

Мамадийр ЗИЁДИНОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Ипакда товланур камалак жилоси

2004 йил июн ойи пойтахти-мизда "Silver silk company" Ўзбекистон - Америка қўшма корхонаси иш бошлади. Корхона ипакчилик соҳасида етиштирилган пилла хом ашёси ва уни ипак чувиш корхоналарида қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган ипак толаи чикиндилардан, дунё бозорида жуда харидорлиг йилгирлик ипак иплари ва табиий ипаклик тайёр маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжаллангандир.

Ҳозирги кунда корхонанинг биринчи навбати ишга туширилган бўлиб, бир кунда 330-350 килограмм ёки бир йилда 100 тонна йилгирлик табиий ипак пилтаси ва 100 тонна ипак тола маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. Бўлим, лаборатория ва цехлар Италия, Франция, Хитой ва бошқа давлатларда яратилган даст-

гоҳ ҳамда ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқаришда мураккаб технология жараёнида прогрессив усуллари қўлланилмоқда.

Янги қўшма корхона халқимиз азиздан "қумуш тола" дея эъзоэллаш-диган авлоддан-авлодларига ўтиб келаятган ипакни қайта ишлаб, келажақда соф табиий ипак толаридан йилгирлик ипак ипи, сержило, нафис, юқори гирроскопик ва гўзал ипак матоларни, трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаради.

Корхонада фаолият кўрсатаётган юзга яқин ишчилар маҳаллий йиллардан иборат бўлиб, ўртача ёши 24-25 ёшни ташкил қилади. Улар мураккаб технология жараёнида замонавий дастгоҳларни мукамал бошқаришни эгаллашган. Ташкент Тўқимачилик ва энгил санаот инсти-

тутининг "Ипак технологияси" кафедрасини олимлари, аспирантлари ва магистрлари ҳамда ипакчилар шахри бўлиши Марғилон шахридан келган қўл гул, мохир усталар назарий, амалий машгулотлар ташкил этиб, ёшлар орасида янги замонавий технологи жиҳозларни, ускуналарни қўзқорачикларидеқ авайлаб, уларни мохирона бошқариб, юқори унумдорликка, қимматбаҳо хом ашёни тежаб-тергаб ишлашига ҳамда аъло сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўргатишмоқда.

Яқин келажақда корхонада замонавий, юқори иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлган, технологик дастгоҳлар билан жиҳозланган йигирув, аппарат йигирув, тўкув, тивув бўлимларини ташкил қилиш ва ишга тушириш йўналишида соҳани илгор ипакчилик мамлакатлари билан ҳамкор-

ликда ишлар олиб бориш бўйича амалий лойиҳалар муҳо-рак а м а қилиниб, режалаштириш и р и л -моқда. Яқинда ишга тушган, маҳаллий хунармандлар ва мутахассисларни азалий орузлари бўлган, камалакнинг етти рангидек товланувчи, гўзал табиий ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш комплекси биринчи бошқарининг фаолият кўрсата бошлаганлиги, мустақил дйримида халқ фаровонлиги учун қилинаётган гамқурликнинг яққол бир тиссолидир.

Ш.ҚОДИРОВ, Тошкент Тўқимачилик ва энгил санаот институти "Ипак технологияси" кафедраси доценти, техника фанлари номзоди.

Ерни насибасидан қисманг

(Боши 1-бетда)

Чунки бобом юрагимизда бизни кийинтирадиган, боқадиган она заминга, ўз дарактига меҳр туйғунини муҳраб кетганда. Бу туйғу мени ҳали-бери тарқ этмас керак.

Ер азиз. У ризқ-рўзу насибамизни етказиб беради. Ер тириклик манбаи. Уни эъзозламоқ, қадрига етмоқ даркор. Она замин сўнгис бойлик. Уни кўз қорачигидай асрамоқ лозим. Сайёрамиздаги тупроқ-иқлим шароити кенг миқёсда таққосланганда Ўзбекистон чин маънода Оллоҳ назари тушган ўлка эканлигига шубҳангиз қолмайди. Пайкаллариимиз унумдор, фойдали ҳарорат етарли.

Хўш, ҳозир мамлакатимиздаги экин майдонлари қай аҳволда? Она заминга қандай муносабатда бўлсак, унинг унумдорлиги яхшиланади? Юқоридаги саволларга жавоб топиш мақсадида яқинда Навоий вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасида бўлиб, бу ерда амалга оширилган ишлар билан атрофича танишиб кайтдик.



Вилоятнинг умумий ер майдони 10937435 гектар бўлиб, шунинг 9264983 гектари қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган экин майдонлари ҳисобига тўғри келади. Бу мавсумда 110233 гектар ер майдонидеҳончилик қилишаётир. 5485 нафар фермер хўжалиқларига 140036 гектар ер майдонлари ажратиб берилди.

Сир эмас, тупроқнинг унумдорлиги унинг таркибидега гумос (чиринди) миқдорига ҳам боғлиқ. Ҳозирга келиб асосий экин майдонларимизда у камайиб кетган. Сабаби - ҳар йили тупроқ таркибидан озука элементларининг бири қисми гўза, галла ва бошқа экинларни етиштиришга сарфланади. Ахир, олмақнинг бермоғи ҳам бўлиши керак, яъни унинг ўрнини тўлдириб бўлган зарур. Тўғри, бу борада вилоятнинг кўпгина худудларида муайян ишлар қилинмоқда. Айниқса, кейинги йилларда далаларга маҳаллий ўғит чиқариш кўпайиб, у турли усулларда экинларга берилмоқда. Бу, энг аввало, ерларнинг унумдорлигини ошириш имконини бераётир.

Юзага келган аҳволни ўнглаш учун, энг аввало, ер ва сувдан фойдаланиш тизими йил сайин такомиллашиб бормоқда. Қолаверса, бундан бундан қишлоқ хўжалигида асосий маҳсулот етиштирувчи фермер хўжалиқлари бўлиб қолар экан, ҳар бир фермер учун ер харитасини тузиш лозим.

Вилоятимизнинг умумий ер майдони жуда катта худудни ташкил этади. Унинг асосий қисми эса адоқсиз Қизилқум чўли ҳисобига тўғри келади десам тўғри бўлади, - дейди Навоий вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи Муродилла Ерматов. - Республика Вазирилар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги "2005-2007 йилларда фермер хўжалиқларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 607-сонли қарорига кўра паст рентабелли, истиқболсиз деб топилган 10 та ширкат хўжалиқлари тугатилиб, уларнинг экин майдонлари 805 нафар фермер хўжалиқларига ажратиб берилди. Бу ишга "Ўздаврлойиха" институти Навоий бўлимининг тажрибали мутахассислари жалб этилди. Аини вақтда мулк соҳиблари ажратилган экин майдонларидан юқори ҳосил олишаётир.

Муродилла Ерматовнинг алоҳида эътирофи эътиҳа, бошқарма томонидан туманларда қишлоқ хўжалиқ ерларидан самарали фойдаланиш ва тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, экинларни жойлаштириш бўйича барча хўжалиқларга ер тўзувчи мутахассислар беририлган. Уша мутахассислар галла экиннинг бориши ва унинг сифати устидан қўлиқ мониторинг ўтказишмоқда.

Шуни ҳам айтиш жоизки, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш билан келишилган режа-жадвалга мувофиқ текширишлар ҳам мунтазам олиб боришмоқда.

Вилоят ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида жойларда "Ер кодекси"нинг талаблари асосида она заминдан фойдаланишни назорат қилиш, ер муносабатларини тартибга солиш ва қишлоқ хўжалиқ ерларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида 37 та текширишлар ўтказилди. Текширишлар натижасида 33 та қонун бузилиш ҳолатлари аниқланди ҳамда 27 нафар мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилди. Улар 437453 сўм миқдорда жаримага тортилди. Бундан ташқари 15 нафар фермердан 202395 сўм, 12 та ташкилот ва корхона раҳбарларидан 235058 минг сўм миқдорда жарима ундириб олинди. Шунингдек, ердан самарали ва белгиланган мақсадларда фойдаланилмаганлиги сабабли 112 нафар фермер хўжалиғи раҳбарларидан экин майдонлари қайтариб олинди. 50 нафар мулкдорлар эса ўз хоҳишига биноан ер майдонларини топширди.

Хукуматимиз томонидан ирригация-мелиорация тизимини яхшилаш, ерларнинг унумдорлигини ошириш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада айниқса, Ер ресурслари, геодезия, картография ва кадастр давлат қўмитаси ҳамда вилоят ҳокимлиги тасдиқлаб берган жадвал, йўриқномалар дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

"Ерgeoдезкадастр" Давлат қўмитасининг 2004 йил 20 декабрдаги 1-сонли буйруғига асосан вилоят кўчмас мулк ва ер давлат кадастр бошқармаси, ер ресурслари бошқармаси ҳузуридаги хўжалиқ ҳисобидега ер ва янги уй-жойларни техник рўйхатга олиш кадастр бюрolari негизда Навоий вилоят (хўжалиқ ҳисобидега) ер тўзуш ва кўчмас мулк кадастр хизмати ташкил этилди, - дейди вилоят ер тўзуш ва кўчмас мулк хизмати бошлиғи Мардон Шамшоев. - Ҳозирда унинг участкаларини рўйхатга олиш, турак-жой ва нотурак-жой билинларига кадастр ҳужжатлари тайёрлаш ва уларни рўйхатга олиш ишлари шахар ва туман хизматлари томонидан амалга оширилмоқда. Ҳозирда амал қилган ҳолда барча хизматларимизга раҳбарлар тайинланди.

Мардон Шамшоевнинг айтишича, жорий йилнинг ўтган саккиз ойи давомида вилоят, шахар ва туман хизматлари томонидан 512774000 сўмлик ер тўзуш геодезия ва кадастр ишлари бажарилган. 1138 та турак ҳамда нотурак-жой билино иншоотлари, 131 та ер участкалари (29,35 гектар) ва 2234 та бино ва иншоотлар рўйхатга олинган. Шунингдек, 44 та



ипотека шартномалари рўйхатга олинган. Хизматлар тўлиғича сўнгги рўсумдаги компьютер ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланди.

Биз вилоятнинг Кармана тумани хизмати бўлими иш фаолияти билан танишдик. Мазлумки, Кармана тарихи озғун гўша. Ҳозирда туман худудидега жойлашган марказий қўчалар кенгайтирилмоқда. Хизмат жойлашган хоналар геодезия асбоблар, электрон тохеометр, комплект мензула, теодолит ва нивелирлар билан тўлиқ таъминланган. Бу ерда асосан ўз соҳасини пухта ўрнаттириб олган, гайратли, шижоатли ёшлар ишлашмоқда.

Халқимизда "Ерни боқсанг, у сени ҳам боқди" деган ҳикматли мақол бор. Шундай экан, она-заминимизни асраб-авайлашимиз, ундан фақат ўзимизга насиба олишни ўйламасдан, аини пайтда унумдорлигини ошириш тўғрисида ҳам қайғуришимиз шарт. Ана шунда бизни боқадиган заминимизнинг соҳавати ошаверади.

Улуғбек ЖУМАЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири, Б.АҚМАМОВ олган суратлар.

(Боши 1-бетда) Раис ўринбосари, ярмарка муваффақияти асосан тузилган шарномалар сони, барча ҳужжатларни сифатли тарзда тегишлича расмийлаштиришга ҳам боғлиқ эканини таъкидлади. Маркетинг хизмати бозор динамикаси, унинг жуғрофияси, ўзбек пахта толасининг харидорлари таркиби бўйича тадқиқотлар ўтказди. Бу

Пахта толасига қизиқиш катта

эса ўз навбатида, йилига икки юз қирқ минг тоннадан зиёд пахта экспорт қилаётган компания фаолиятини таҳлил этиш, янада аниқ истисқоб режаларини тузишга имкон яратди. «Uzinterimpex» Давлат акциядорлик ташқи савдо компанияси 1991 йилда тузилган бўлиб, ташқи савдо фаолиятини яхши йўлга қўйган ташкилот ҳисобланади. Мазкур компания Яқин

ва Узоқ Шарқ мамлакатлари, Европа давлатлари, шунингдек, АҚШ ва Россия билан ташқи савдо алоқаларини ўрнатган. Унинг асосий фаолияти экспорт-импорт амалиётларини амалга ошириш, шунингдек, воситачилик ва маслаҳат хизматлари кўрсатишдан иборат. Экспортнинг катта қисми пахта толаси экспортга тўғри келади. Бундан ташқари, ип қалава, целлюлоза,

қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари ҳам сотилади. Бугунги кунда компаниянинг бўлимлари Андижон, Самарқанд, Жиззах, Сурхондарё вилоятларида ҳам фаолият кўрсатмоқда. «Uzinterimpex» Давлат ташқи савдо акциядорлик компанияси Ливерпуль, Бремен, Гинкс пахта уюшмаларининг аъзоси саналади.

«Туркистон-пресс»

Ишлайман деганга имконият кўп



(Боши 1-бетда) -1985 йили 40 бош қорамол билан иш бошлаган пайтларим бу ерлар қаровисиз ҳолатда эди, - дея сўзлади у. - Ташландиқ жойларни текислаштириб, ҳар йили гул эқдим. Мана ҳозир бу ер гулзорга айланди. Ишдан чарчаб чиққан пайтларим шу гузалликка боқиб баҳра оламэн. Туманимиз марказидан атайлаб баъзи келин-кувбалар чаманзорини айланчиға, сурағат тузишга келиб туришади. Шундай пайтларда одамларга эзгулик улашаётганимдан шодланиб кетамэн.

«Баҳром, ўтган йили чорвачилик ва қишлоқ хўжалиғининг устувор йўналишларини ўрганиш бўйича Миср давлатида малака ошириб келдингиз. У ердаги фермерларнинг ибрат олса арзийдиган қандай ишлари Сизга маъқул бўлди? - Миср пахта толасининг узунлиги ва сифатлиги билан жаҳонда биринчи ўринда туради. Биз ўз фаолиятини 40-йиллардан бошлаган «Дина» фермер хўжалиғига бордик. У ер Қоҳирадан 60 километрлар

риш ва шу маҳсулотларни қайта ишлаб чиқаришдан иборат. 1000 бош қорамол, 50 гектар сувли еримиз, сутни қайта ишлайдиган цехимиз бор. Цехда пишлоқ, брэнза, сариёғ, сметана, маргарин каби маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари макарон, гўштни қайта ишлайдиган, зирёф ишлаб чиқарувчи мини цехларимиз маҳаллий аҳолиға зарур маҳсулотларни етказиб бормоқда.

Ўтган йили маҳсулот сотишдан 382250,0 минг сўм фойда олинган бўлса, шундан соф даромад 130278,0 минг сўмни ташкил этди. Назаримда ана шу каттарона меҳнатимиз муносиб тақдирланди. Айниқса, Президентимиз совғаси сифатида Концерн заводида ишлаб чиқилган мини тракторнинг менга берилиши кунимга кун, гайратимга гайрат қўшди.

«Бу йил режа қандай удалланаяпти? - Ҳалла режасини 60 тонна ўрниға 80 тонна қилиб бажардик. Чорвачилиғида ҳам олға силжиш кўзга ташланди. Қорамолдан ташқари 200 бош қўйимиз, 50 бошдан зиёд йилқимиз ҳам бор.

«Эшитимизча, ҳомийлик сифатида тумандаги айрим ташкилотларға, кам даромадли қишлоқдошлариниғиза ёрдам берибсиз? - Илтимос, шу мавзуда гаплашмасак, савоб иш қилганимизни бировлар билса унинг савоби тегмайди.

«Сизни ҳозир нималар ўйлантирмоқда, таъбир жоиз бўлса қандай режалар устидега бош қотирмоқдасиз? - Яқин кунларда пахтани қайта ишлайдиган фабрика қуриш ниятимиз бор. Бундан ташқари хоржиқ технологиялар билан жиҳозланган янги-янги корхоналар барло этишнини, бир сўз билан айтганда, қишлоққа саноатни олиб келишни, шу асосда ёшларни иш билан таъминлашни режалаштирдик. Маҳсулотларимизни эса имконқадар экспортга йўналтириш, аввало Миср қўшини мамлакатлар бўлган Афғонистон ва Тожикистон бозорларини эгаллаш ҳақида бош қотирмоқдасиз.

«Фермер, тадбиркор бўлишни истаган ёшларға тилақлариниғиз? - Бизда ишлайдиганларға ҳеч қандай тўсик йўқ. Қалажакқа пойдевор қўйиш учун меҳнат қилишимиз керак. Ёш фермерларға меҳнат қилиш, меҳнатнинг тағи роҳат, дегим келади.

«Сўхбатиниғиз учун ташаккур. Сўхбатдош: Утқамхон ХОЛДОРОВА

YETTI-IQOLIMDAN BIR SHINGIL

Норозилик мактуби

"Рейтер" агентлиғи халқаро тахририяти директори Дэвид Шлезингер Ироқдаги АҚШ ҳарбийлари у ерда ишлаётган журналистлар ишларига аралашиб, воқеаларни аниқ ёритишга ҳалақит беришяпти, деган мазмунда АҚШ сенатига мактуб йўллади.

Ироқда 2003 йилдан бундан аввалгидек ҳарбий ҳаракатлар жараёнида 66 нафар журналист ҳаётдан кўз юмган. Уларнинг кўпчилигини маҳаллий ироқлик журналистлар ташкил этади.

Дэвид Шлезингер ҳар бир ҳолат юзасидан аниқ текширишлар ўтказишни талаб этмоқда. Ҳозирча АҚШ ҳарбийлари 3 нафар "Рейтер" агентлиғи журналистларининг ўлимида уларни айбдор, деб тан олишган.

Бангладешда портлашлар

"Sky News" хабар беришича, Бангладеш худудидега учта шахарда портлашлар амалга оширилган. Полиция Чандур шахри судда портлаш уюштирган икки террорчини қўлга олган.

Ушбу портлаш натижасида икки киши ўлган, кўплай кишилар жароҳатланган. Портлашлардан бироз олдин Бангладеш полицияси мамлакатдаги террористик гуруҳ раҳбарларидан бири Муфти Ханнан қамолқа олиналганини хабар қилган эди. Маълумотларға қараганда, Муфти Ханнан Афғонистон, Покистон ва Қашмирдаги террорчи гуруҳлар билан алоқада бўлган.

Хизмат муддати камайтирилади

Россия Муудофаа вазириги ахборотиға кўра, ҳозирда 15 минг нафар қақирув ёшдаги ёшлар ҳарбий хизматдан бўйин товламақда.

Вазирилик ёшлар онғида ҳарбий хизматга нисбатан салбий қарашларни ўзгартиришға ҳаракат қилиб, хизмат вазибаларини енгиллаштирмоқчи.

Жумладан, муддатли ҳарбий хизматчилар уруш ҳаракатлари олиб борилаётган "нуқтарал"ға жўнатилмайдик. Хизмат муддати ҳам 2 йилдан 1 йилғача қисқартирилди. 2008 йилга келиб Россия Қуролли қўчаларининг 45 фоизини шартнома асосида хизмат қилувчилар ташкил этади. Бу йилги қўзғи қақирувда 140900 нафар йигитлар муддатли ҳарбий хизматта қақирланди.

"Темир хоним" айбдорми?

Бутун дунёға "Темир хоним" номи билан машҳур бўлган Буюк Британиянинг собиқ бош вазири Маргарет Тетчер порачилиғи айбланмоқда.

2000 йил май ойида у америкалик собиқ республикачи конгрессмен Том Делэй билан жинсий ишға қўл урган, дея тумон қилинмоқда. Британия ички ишлар вазириги хабарига кўра, ушбу иш юзасидан 80 ёшли "Темир хоним" тергоғу қўрсатма бериш учун қақирилган.

Том Делэй ақинғача вақиллар палатасини бошқарган эди. АҚШ конгресси аъзолари уни ўз партиясини молиявий таъминлаш эвазига турли компанияларға имтиёзли қонунлар лойиҳасини яратишда айблади. Бу иш юзасидан текширишлар бошланғач, у ўз лавозимидан кетган эди.

Меъморға - олтин медал

Япониялик меъмор Тойо Ито Британия Қироллиғи архитекторлик институтининг Қироллиқа Викториа томонидан 1848 йил таъсис этилган олтин медалига сазовор бўлди. Бу қарорни ҳозирги қиролчиқа Елизавета II ҳам маъқуллади.

Тойо Ито замонамизнинг машҳур меъморларидан биридир. Унинг лойиҳаси асосида Сендай шахрида қурилган - Медиаэтека биноси жамоатчилик эътиборини ўзига тортган. Ушбу бино шаффоф қўринишға эға бўлиб, икки деворларға эға эмас. Унда кутубхона, концерт зали, кинотеатр жойлашган. Ҳозирда меъмор Париж, Барселона ва Сингапурда қуриладиган замонавий биналар лойиҳаси устидега ишламоқда.

Р.ЁДГОРОВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2005 йил 4 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юртиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хоржиқ валюталарининг сўмға нисбатан қуйидаги қийматини белгиллади:

1 Австралия доллари	867,65	1 Поляша злотийи	349,26
1 Англия фунт стерлинги	2005,81	1 СДР	1654,34
1 Дания қронаси	182,79	1 Туркия лираси	849,22
1 БАА дирхами	310,84	1 Швейцария франки	877,29
1 АҚШ доллари	1141,35	1 ЕВРО	1363,80
1 Миср фунти	198,41	1 Жанубий Корея воени	10,94
1 Исландия қронаси	18,62	10 Япония иенаси	100,06
1 Канада доллари	980,12	1 Россия рубли	40,00
1 Хитой юани	141,31	1 Украина гривнаси	226,01
1 Малайзия ринггити	302,81		

Валюта қийматини белгиллаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олган.

Фермерлар сағфи кенгаймоқда

Мамлакатимизда фермер хўжалиқлари ташкил этиш ва уларни ривожлантиришға алоҳида эътибор қаралтирмоқда. Шу мақсадда зарур қўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкат хўжалиқлар тўлиқ фермер хўжалиқларига айлантирилмоқда. Маълумотларға кўра аини пайтда юртимизда 116 мингдан орттиқ фермер хўжалиғи ташкил этилган. Уларға 3,5 миллион гектар ер узоқ муддатта қарағача берилган. Йилдан-йилға соҳанинг яли қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши орттиб бормоқда.

Хусусан, Навоий вилоятда ҳам қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари етиштирувчиларнинг эркин фаолият юртиши учун зарур қўриқчилик асослари, иқтисодий шарт-шароитлар ҳамда фермерлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича бизнес-мактаблар тармоғи яратилган. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиғи бошқармасидан олинган маълумотға кўра, ҳозир 51 та минибанк, 27 та муқобили МТП, 25 та минерал ўғит ва 9 та ёнили-мойлаш материаллари сотиш шахоб-

ИСЛОХОТ

Кармана туманидаги «Лочин» фермер хўжалиғининг 70 гектар ери бор. Қирқ нафар ишчи меҳнат қилаётган бу хўжалиқ ўтган йилни 28 миллион, Хатирчи туманидаги Носир Эшмурад раҳбарлик қилаётган «Гўзал Маржона» фермер хўжалиғи эса 30 миллион сўм соф фойда билан якунлаган эди.

ми бошқаруви раиси Мухиддин Бойназаров. - Банкимиз 470 нафар фермерға хизмат кўрсатади. Улар учун бир йиллик ўз фисқали имтиёзли кредит жорий этилган. Шунингдек, фермерларнинг узоғини яқин, мушқулчини осон қилиш ва вақтини тежаш мақсадида туманда ўнға яқин банкимиз филиали фаолият юртимоқда.

- Вазирилар Маҳкамасининг тегишли қарорларига асосан туманимиздаги 12 та ширкат хўжалиғи танлов асосида фермер хўжалиқларига айлантирилди, - дейди Хатирчи туман қишлоқ ва сув хўжалиғи бўлими бошлиғи Суннатилла Носиров. - Уларда йил сайин ҳосилдорлик ортаёғини қўзатишмоқда. Бу ютуқлар қишлоқ хўжалиғи соҳасида изчил олиб борилаётган ислохотлар эвазига қўлга киритилляпти. Бу йил туманимиздаги Алишер Навоий, Э.Абдиев, А.Икромов, Қ.Раҳматов, А.Пулатов ҳамда А.Халимов номидаги ширкатлар фермер хўжалиқларига айлантирилиши режалаштирилган. Бу эса тизимнинг янада ривожланишидан дарак беради.

Холмурод САЛИМОВ, Ўза муҳбири.

Об-ҳаво қандай бўлади?

Соға мутахассисларнинг башорат қилишларича, 4-5 октябр кунлари республикамизда ҳаво очиқ бўлади. Бирок, 5 октябрда Қоракўлпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятда ёмиғир ёғиши мумкин. 6-9 октябрда эса республикамизнинг қўлғина худудларда ёмиғиргарчилик бўлиши кўтилмоқда.

Шарҳдан сазабган шамол йўналишини ўзгартириб, гарбдан 7-12 м/с тезликда эсади. Шамол тезлиги 17-22 м/с гача кўчиши мумкин. Харорат 4-7 октябрда кеңаси 10-15, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади. 8-9 октябрда бори ҳарорат 13-18 даражағача пасайиши мумкин. Республикамиз шимолда харорат шу кунлари кеңаси 7-12, 2-7 даража илик атрофида бўлади. 4-5 октябрда кундузи 22-27 даража иссиқ бўлиб, 6-9 октябрда 10-15 даражағача пасаяди.

Республикамизнинг тоғли туманларида 4-5 октябр кунлари ҳаво ўзгарувчан бўлиб, ёғингарчилик кўтилмайди. 6-9 октябрда қисқа муддатли ёмиғир ёғиши мумкин. Шамол гарбдан 7-12 м/с тезликда эсиб, унинг тезлиги 17-22 м/с га кўтарилиш эҳтимоли бор. Харорат кеңаси 6-11 даража, 9 октябрда эса 2-7 даража илик бўлади. 4-7 октябрда кундузи 17-22 даража иссиқ бўлиб, 8-9 октябр кунлари 3-8 даража иликча пасайиши мумкин.

Утерьянйи гос.ордер № 07-02/1564 от 15.01.1993 г. права собственности Шарофутдинова Алишера Озатовича на квартиру, считать действительным.

Утерьянйи диплом РТ-1 № 389687, выданный в 1993 году Ташкентским электромеханическим техникумом на имя Цой Андрей Ильич, считать действительным.

ПРОДАЖА АВТОМОБИЛЕЙ "GAZ"

Г. Ташкент, тел/факс 168 0961. E-mail: prima74@mail.ru



фокор-педиатр хизмат қилмоқда ва бу эҳтиёжнинг 67,5 фоизини ташкил этади. Улардан 23,1 фоизи мактабда бевосита, 76,9 фоизи эса ўриндошлик асосида ишлайди. Мактаб шифокор-педиатрлари билан асосан пойтахт ва йирик шаҳарлар мактаблари таъминланган, айрим вилоятларда бу борадаги кўрсаткич жуда паст. Айни чоғда вилоятлардаги туманларда участка шифокор-педиатрларига ўз ҳудудларидаги мактаб ўқувчиларига ҳам тиббиёт хизмати кўрсатиши юқланган. Бу эса диспансеризация ишларини ўлда-ўлда бўлиб қолишига, соғломлаштириш чора-тадбирлари қониксиз аҳволда олиб борилишига сабаб бўлади. Кўриб турганимиздек, ютуқлардан кўра камчиллар хусусида кўпроқ тўхталялман. Эришилган муваффақиятлар ўзимизники, албатта, лекин камчилларни ошқорла айтиш ва биргалда бартараф қилиш — энг муҳим бурчимиз.

— Сиз Педиатрия илмий-тадқиқот институтида катта бир

кўрсатишнинг янги шакли ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга жорий этилди. Кичик ёшдаги болаларни ўйда ва шифохона шароитида даволаш тартиб-қоидалари ҳам олимларимиз томонидан ишлаб чиқилган. Бундай йўналишдаги тадқиқотлар Тошкент Педиатрия тиббиёт институти, Самарқанд, Андижон, Бўҳородаги тиббиёт институти, Бўшқа илмий марказларда ҳам ўтказилмоқда. Тадқиқот натижалари бўйича ўнлаб услубий тавсияномалар, ахборотлар тайёрланиб, барча вилоятларнинг даволаш-профилактика муассасаларига жорий қилиш учун тарқатилган.

— Вилоятларда экологик аҳвол, сув сифати бузилганлиги, айниқса, иссиқ кунларда санитария-гигиена талабларига риоя қилмаслик ҳолатларининг болалар саломатлигига таъсири ҳақида нималар дейиш мумкин?

Экологик вазият, сув, ҳаво, озиқ-овқат маҳсулотларининг ифлосланиши, химёвий моддалар қўлланилиши натижа-

манбалардан фойдаланмоқдалар. Албатта, бу вазиятда йилнинг исталган мавсумида турли юқумли касалликларнинг келиб чиқмаслигига кафолат бериб бўлмайди. Унинг олдини олиш учун ўша мактаблар санитар-эпидемиологик ҳолати кучли назорат остида бўлиши лозим. Бу каби шароитда ота-оналар ўқувчиларга ҳар кун қайтариб совирилган суви махсус идишларда бериб юборишини тавсия қилардиқ.

— Болаларнинг мактаб шароитига жисмоний ва руҳий кўникиши айниқса 1-синфда осон кечмайди, педиатрия илми бу борада қандай тавсиялар беради?

— Маълумки, 1998-1999 ўқув йилидан бошлаб 1-синф болалар 6 ёшдан ҳам қабул қилинмоқда. Мамлакатимиз ва хорижий тадқиқотчиларнинг илмий излаишлари 6 ёшар бола организми 7 ёшлиқига қараганда ташқи муҳитнинг турли таъсирларига камроқ чидамли бўлиб, ўқитиш жараёнида бола чарчаб қолишини кўрсатмоқда. Шу боис мактабга қабул қилишда уларнинг ақлий ва жисмоний ривожланиш даражаси индивидуал равишда ҳисобга олинади. Айни пайтда болаларнинг саломатлик ҳолатига алоҳида эътибор бериш лозим. 1-синф ўқувчиларининг дарс давомийлиги 25-30 дақиқадан ошмаслиги, кундалик дарслар сони 3-4 тадан кўп бўмаслиги мақсадга мувофиқдир. Уй вазифаси берилмаган маъқул. 1-синф болаларининг дарсликлар, ўқув қуролларидан фойдаланишида ҳам маълум талаблар бор. Шунингдек, педагоглар ўқувчининг партада тўғри ўтирилиши доимо назорат қилиб бориши аниқ мудоаодир, чунки бола гавдасининг тўғри ўсиши унинг саломатлигига таъминлайди. Бу каби тавсияларимизга тўғри амал қилинса, синфга илк қадам қўйган боланинг мактаб ҳаётига мослашиши осонроқ кечади.

Келажагимиз пойдевори бўлган болалар саломатлиги биз учун ҳар нарсадан муҳим. Уларнинг соғлом ўсиши эса нафақат мутахассисларга, балки бирчамизга тааллуқлидир.

—Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

Сухбатдош: Саид МУРОД

Соғлиқнинг яхшиими, болажон?

(Боши 1-бетда)
Бошланғич синф ўқувчилари ўртасида нафас олиш аъзолари, асаб тизими ва сезги аъзолари, овқат ҳазм қилиш органлари, иммунитет танқислиги, аллергия хасталиклар кўпроқ учрамоқда.

—Бу ёшдаги болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари ўртасида ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилганми?

—Айниқса кейинги 5-6 йил ичида бу борадаги ҳамкорлигимиз кенгаймоқда. Бу масала юзасидан ихтисослаштирилган бир неча биргаллиқдаги бўйруқлари чиқарилиб, уларнинг бажарилиши кўшма ҳайъат йиғилишларида муҳокама қилиниди ва тегишли қарорлар чиқарилиди. Шунингдек, Наманган, Андижон, Самарқанд ва бошқа вилоятларда илмий-амалий анжуманлар, семинарлар ўтказилди. Шуни айтиш лозимки, ўқув-

чилар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, соғломлаштириш хусусида бир қатор муаммолар ҳам йўқ эмас. Мактабларнинг тиббиёт ходимлари билан таъминлаш, уларнинг иш юқламасини меъёрлаштириш, барча мактабларда тиббий ёрдам кўрсатиш хоналарини ташкил қилиш, уларни талаб даражасида жиҳозлаш, зарур дори-дармонлар билан таъминлаш шулар жумласидандир.

— Ҳозиргина сиз тилга олган тиббиёт ходимлари билан таъминлаш муаммоси ҳақида тўхталсангиз.

— Республикаимиздаги умумий ўрта таълим мактабларининг тиббиёт ходимлари, яъни шифокор-педиатрларга бўлган эҳтиёжи ҳозирги кунда 2691 нафар бўлиб, 2500 ўқувчига 1 шифокор ўрни белгиланиши шундан келиб чиққан. Ҳозирда 1616 нафар ши-

булимга раҳбарлик қиласиз. Айтинг-чи, бошланғич таълим ёшдаги болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича институтида қандай тадқиқотлар олиб бориламоқда?


—Институтида болалар нафас олиш аъзолари касалликларининг келиб чиқиши, хасталикнинг ўткир шакллардан сурункали формаларга ўтиши сабаблари, жигар, ошқозон-ичак касалликларини янгила даволаш ва олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш борасида кенг тадқиқотлар олиб бориламоқда. Шунингдек, тез-тез касалланувчи болаларни даволаш ва соғломлаштириш бўйича жойларга тавсиялар берилади. Кишлоқ врачлик пунктларининг фарзандларимизга тиббий ёрдам кўрсатиши бўйича асосий вазифалари белгилаб қўйилди. Болаларни соғлиқ гуруҳларига тақсимлаш ва шу асосда табақалаштирилган ҳолда тиббий хизмат

да мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари сифатининг ўзгариши барча тирик мавжудотларга ҳам таъсир қилмай қолмайди. Мактабларнинг санитария-техник ҳолати ҳамда гигиена шароитини яхшилаш соғлиқни сақлаш ва халқ таълимининг муҳим вазифасига қиради. Маълумотларга қараганда республикамизнинг турли минтақаларида 21,6 фоиздан 66,4 фоизгача мактаблар санитария-гигиена талабларига етарли қаво берайдиган мослаштирилган биналарда жойлашган. Табиийки, бундай шароитларда марказлаштирилган иситиш ускуналари, тоза ичимлик суви, канализация ва бошқа санитар-техник қулайликлар мавжуд бўлмайди. Бу педагогик жараёни тўғри ташкил этишга ҳам халақит беради. Бундай жойларда ўқувчиларнинг сувга бўлган эҳтиёжи учун ҳовуз, кудук, булок, ариқ ва бошқа

SPORT O'LAMIDA


Пешқадамлар голиб чеқишди

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида 21-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Бу турда муҳлиси ва мутахассисларнинг эътиборини асосан чемпионлиққа даъвогарлар "Пахтакор", "Насаф" ва "Машъал" жамоалари иштирокидаги учрашувлар ўзига қаратанди.




Пешқадам "Пахтакор" бу турни Бекободда маҳаллий "Металлург"га қарши ўтказган бўлса, "Насаф" ўз майдонида "Самарқанд-Динамо"ни қабул қилди.

"Пахтакор" ва "Металлург" ўртасидаги ўйин анча кескин ва мурасиз ўтди. Биринчи бўлимда дарвоза дахлсизлиги сақлаб қолинган бўлса, иккинчи бўлим голларга бой бўлди. Иккинчи даврада "Трактор"дан "Пахтакор"га ўтган Павел Саломин 46 ва 78-дақиқаларда икки тўп йўллаб, пойтахт маъноси олинган олиб чиқди. 82-дақиқада Анвар Солиев ўз ҳисобига битта гол эътиб қўйган. Ҳакам томонидан қўшиб берилган дақиқаларда "Металлург" рақиблири дарвозасига бир гол киритди. "Металлург" — "Пахтакор" 1:3.



лан ўйнаб, венгриялик Юдит Полгарга имкониятни бой берган бўлса, 2-турда Петр Свидлер билан дуранг натижага қайд этганди. 4-турнинг қолган натижалари: Петр Лекко — Юдит Полгар 1:0, Александр Морозевич — Петр Свидлер 0:1.

4-турдан сўнг 3,5 очко тўплаган болгариялик Веселин Топалов етакчилик қилмоқда. Россиялик Петр Свидлер 3 очко жамгарган. Вишванатан Ананд 2,5 очкога эга, Қосимжонов ҳисобида ҳозирча 2 очко бор.



Ўн бир йилдан сўнг...

Машҳур россиялик теннисчи Мария Шарпова ўн бир йилдан бўён биринчи бор ўз она юртига ташриф буюрди. Шанба кўни теннисчи Москвага учиб келди. Уни кўтиб олиш учун 47 нафар журналист ва кўпжа теннис мухлислари "Шереметьево-1" аэропортига йиғилишди.

— Россияга келганимдан жуда хурсандман. Бу ердан кетганимда етти ёшда эдим ва бу дақиқаларни интизорлик билан кутдим, — деб айтиб ўтган Мария журналистларга берган интервьюсида.

Энди Мария 8 октябрь кўни бошланадиган "Кремль Кубоги"да иштирок этади.

Рой Жонс яна рингда

Профессионал боксинг яримоғир вази тарихида энг яхши боксчилардан бири сифатида тан олинган Рой Жонс бир йилдан кўпроқ танлафусдан сўнг яна рингга кўтарилди.

Рой Жонс ва Антонио Тарвер ўртасида ташкиллаштирилган мазкур жанги кузатиш учун 20893 мухлис ташриф буюрганлиги бу "мушласуув"га қизиқиш катта эканлигини далилат беради.

Жанг тафсилотларига келсак, Тарвер фақат ҳужумда бўлди. Жонс эса рақибини ноқуат қилувчи зарбалари билан пойлаб турди. Лекин ўзига яраша тажрибага эга бўлган Антонио рақибига бундай имкониятни бермади.

Ҳалилик эса ҳакамларнинг бир овоздан қабул қилган қарорига кўра Тарверга берилди.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

Зоири Тўракулов мураббийлигидаги "Насаф" эса ўзининг собиқ етакчиси Баҳром Ҳақимов шогирдларини синовдан ўтказди. "Самарқанд-Динамо" футболчилари "Насаф"га етарлиқа қаршилик қўрса олмади ва 3:0 ҳисобида имкониятни бой берди. Мезбонларга Йирик ҳисобдаги галабани тўхфа этган голларни Камолиддин Кенжаев, Баҳродир Аннаматов ва Зафар Холмуродовлар рақиб дарвозасига йўллашди.

Қашқадарёнинг яна бир етакчи жамоаси "Машъал" ҳам турни ишончли галаба билан якунлади. "Локомотив"ни қабул қилган мубораклик футболчилари "темирўлчилар"дан 3:1 ҳисобида устун келишди.

Қолган учрашувлар натижалари билан танишинг: "Кизилкум" — "Шўртан" 1:0, "Сўғдиёна" — "Нефтичи" 0:0, "Навбахор" — "Тупаланг" 1:0, "Трактор" — "Бўҳоро" 2:0.

Турнир жадалининг кўриниши ҳозирча қуйидагича:

1	"Пахтакор"	20	50
2	"Насаф"	21	47
3	"Машъал"	21	46
4	"Навбахор"	21	32
5	"Нефтичи"	21	31
6	"Локомотив"	21	29
7	"Тупаланг"	21	29
8	"Кизилкум"	20	28
9	"Трактор"	21	28
10	"Бўҳоро"	20	25
11	"Самарқанд-Д"	21	24
12	"Металлург"	21	23
13	"Сўғдиёна"	21	19
14	"Шўртан"	21	13

Илк галаба

Аргентинанинг Сан-Луис шаҳрида ўтказилаётган шохмот бўйича жаҳон чемпионатининг 4-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Бу тур ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов кучли гротмейстер ҳисобланган ҳиндистонлик Вишванатан Анандни мағлубиятга учратди.

Оқ донлар билан ўйнаган Рустам мутахассислар томонидан турнир фаворити деб ҳисобланган ва айни дамда дунёнинг иккинчи рақамли шохмотчиси деб эътироф этилаётган Анандни мағлубиятга учратиши кўпчилик шохмот илхомландлари диктати ни яна бир бор ўзига қаратишга мажбур қилди. Лекин 3-турда Рустам қора донлар би-

ХАЛҚ БАНКИНИНГ

Миллий валютадаги пул жўнатиш хизмат тури

Республикаимизнинг исталган ҳудудига

пул ўтказмоқчимисиз?

Бунда сизга Халқ банкининг филиаллараро

ТЕЗКОР пул жўнатиш хизмати

яқиндан ёрдам беради.

Сиз маблағингизни Халқ банкининг исталган филиалига имтиёзли тариф ва қулай усулда жўнатишингиз мумкин.

ТЕЗКОР — ишончли ва қулай, бир зумда муаммоингизни ҳал этади.

Маълумот учун телефонлар: (371) 173-69-15, 173-69-16 (ички: 126)

Кишлоқ ҳўжалиги қорхоналари ва фермер ҳўжаликлари диктати

Корхона

Янги ва таъмирланган ТТЗ-80.11, ТТЗ-80.10, МТЗ-80.Х, ВТ-150, Т-4А русумли тракторларни ҳамда янги КХУ-4Б русумли культиватори, 2ПТС-4-793А-03, -04 русумли прицепи, ЧКУ-4А русумли чизель-культиватори, ОВХ-600 русумли узел жамламаси, ПЯ-3-35 русумли плугларини ва агрегатларини сотади.

Таъмирталаб ТТЗ-80.11, ТТЗ-80.10, Т-28х4, МТЗ-80.Х, ВТ-150, Т-4А, ДТ-75 русумли тракторларини келишишган нархларда сотиб олади.

Ҳисоб-китоблар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Маҳсулотлар сифати кафолатланган.

Тел: 8(371) 144-90-47, 144-05-42, 144-16-46.

Рамазон тақвими

Оғиз ёпиш дуоси:					Оғиз очиш дуоси:				
«Навайту ан асума совма шахро рамазона минал фақри илал мағриби»					«Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва ғалайка таваккалту ва ғала ризқиқа афтарту»				
Рамазон кунлари	Ҳафта кунлари	Октябрь	Саҳарлик вақти тугаши	Ифторлик вақти бошланиши	Рамазон кунлари	Ҳафта кунлари	Октябрь	Саҳарлик вақти тугаши	Ифторлик вақти бошланиши
1	Сешанба	4	4:38	18:06	1	Чоршанба	19	4:55	17:42
2	Чоршанба	5	4:39	18:04	2	Пайшанба	20	4:56	17:41
3	Пайшанба	6	4:40	18:03	3	Жума	21	4:57	17:39
4	Жума	7	4:41	18:01	4	Шанба	22	4:58	17:38
5	Шанба	8	4:42	18:00	5	Якшанба	23	4:59	17:36
6	Якшанба	9	4:43	17:58	6	Душанба	24	5:01	17:35
7	Душанба	10	4:44	17:56	7	Сешанба	25	5:02	17:34
8	Сешанба	11	4:46	17:55	8	Чоршанба	26	5:03	17:32
9	Чоршанба	12	4:47	17:53	9	Пайшанба	27	5:04	17:31
10	Пайшанба	13	4:48	17:51	10	Жума	28	5:05	17:30
11	Жума	14	4:49	17:50	11	Шанба	29	5:06	17:28
12	Шанба	15	4:50	17:48	12	Якшанба	30	5:08	17:27
13	Якшанба	16	4:51	17:47	13	Душанба	31	5:09	17:26
14	Душанба	17	4:52	17:45	14	Сешанба	1	5:10	17:24
15	Сешанба	18	4:54	17:44	15	Чоршанба	2	5:11	17:23

Тошкентдан бошқа шаҳарлардаги вақтлар фарқи
Авал: Кўкон (7), Наманган (10), Фарғона (10), Андижон (12)
Кейин: Бекобод (4), Жиззаҳ (6), Гулистон (7), Денов (7), Жомбой (7), Самарқанд (9), Шаҳрисабз (10), Каттакўрғон (12), Қарши (11), Нурота (14), Навоий (19), Бўҳоро (21), Хива (35)

«Кишлоқ ҳаёти» газетаси иждоий жамоаси Ўзбекистон халқ ёзувчиси **ШУКУР ХОЛИМРАЗЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чўқур таъзия изҳор этади.

«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси бошқаруви «Хонқадонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти раиси Қ.Ҳўжамуратовга падари бузруквор **ХўЖАМУРАТ ОТА**нинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

«Ўзимёсанот» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви жамоаси Марғилон шаҳри ҳокими Абдуҳошим Абдуллоевга амакиси **Мавлон ота ИРГАШЕВ**нинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТ**

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АХМАД, Озод ШАРОФИДИНОВ, Агитай АДИЛОВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агротехнология комплекс таркибидаги ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирилик ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 136-58-83, 136-56-25, Котибият — 133-95-17, Реклама ва эълонлар — 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс — 133-44-43, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-58-512-17; 8-361-22-35-753; Андижон — 8-374-22-234-08; Бўҳоро — 8-365-22-644-61; Жиззаҳ — 8-372-22-606-34; Навоий — 8-436-22-60-525; Наманган — 8 — 369-41-234-23; Фарғона — 8-373-61-221-97; Самарқанд — 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё — 8-376-46-526-61; Сирдарё — 8-367-37-23-813; Тошкент — 8-371-136-56-21; Хоразм — 8-362-22-623-50; Қашқадарё — 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

MANZILIMIZ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: А.КАРИМОВ
Саҳифаловчилик: Р.ЕДГОРОВ, А.САФОНОВ
Мусаҳиҳ: М. БЕКИЕВ